



ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ВАҚТИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Салаев Хамза Аббосович

ИИВ Академияси магистранти, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10680081>

ARTICLE INFO

Received: 15th February 2024

Accepted: 17th February 2024

Published: 19th February 2024

KEYWORDS

оммавий тартибсизликлар,
қоидалар, хуқуқий нормалар

ABSTRACT

ушбу мақолада оммавий тартибсизликлар вақтида жамоат хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш масалалари ўзаро ўрганилиб, муаллиф томонидан назарий таҳлил қилинган.

Оммавий тартибсизликлар турли назарий омилларга асосланиб, мустақил назарий тушунишни талаб қиласди. Амалиёт шуни кўрсатадики, бундай ҳаракатларга мақбул қаршилик кўрсатишнинг таркибий қисмларидан бири, унинг содир этилганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи, самарали ишлайдиган жиноят ва хуқуқий нормаларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Оммавий тартибсизликлар намойишлар пайтида ҳам, бошқа ҳодисалар пайтида ҳам содир бўлиши мумкин. Уларни намойишлардан фарқи шундаки, намойиш тинч йиғилиш бўлиб, унда демократик хуқуқий давлат фуқаролари намойиш ўтказиш бўйича конституциявий хуқуққа эга ва улар жамоатчиликка қарши норозилик билдиришлари мумкин. Оммавий тартибсизликлар биринчи навбатда қўйидагилар билан ажралиб туради: одамлар йиғилишининг ноқонунийлиги, уларнинг сони уч кишидан ошиб кетиши, ролларни тақсимлаш билан олдиндан тайёрланган ҳаракатларни ўтказиш. Қоидага кўра, оломон полиция ходимларига тош отади, дўкон ойналарини синдиради, дўконларни талонторож қиласди, машиналарни ағдара ради ва ўт қўяди[1].

Оммавий тартибсизликлар - давлатнинг суверенитети, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига таъсир қилувчи оммавий жиноят сифатида, зўрлаш, ўт қўйиш, бузғунчилик, давлат ва шахсий мулкни ўғирлаш, талаш ва йўқ қилиш, тинч аҳоли ва хукумат кучларига нисбатан совуқ (ўқ отар) қурол, портловчи ёки тез аланга оловчи моддаларни тайёрлаш ва қўллаш, қаршилик кўрсатиш, давлат, жамоат ташкилотлари ва муассасалари, транспорт воситалари фаолиятини ишдан чиқариш ва бу вазиятда уларни бартараф этиш учун кескин чора-тадбирларни қўллашга мажбур қилувчи ҳодисалар тушунилади. Илғор тажрибалардан ҳисобланган Белорус давлатининг Минск шаҳридаги оммавий тартибсизликларни бартараф этишда қуролланган бўлинмаларининг тактик ҳаракатларига ижобий баҳо бериш мумкин. Чунки, тартиббузарларнинг ҳаракатларини учувчисиз учув аппаратлари ёрдамида

кузатиб бориши, командирларнинг тўғри қарор қабул қилишга имкон берган ва тартиббузарларнинг ҳаракат йўналишларига самарали тўсиқлар ўрнатилган[2]. Бизнинг давлатимизда аҳоли сони қўпайиш билан бир қаторда авто-, мототранспорт воситаларининг қўпайиши тирбандликлар ва бошқа нокулайликлар келтириб чиқармоқда. Бу аҳолининг маълум қатламининг эътиrozлари ва норозиликларига сабаб бўлмоқда. Ахборот технологияларининг ривожланиши кузатилаётган бир пайтда, инсонларнинг дунёқарашлари ва хукуқий маданиятлари юксалиб бормоқда. Юртимизда яшовчи аксарият аҳолининг ўзбек миллатига мансуб бўлганлиги, отабоболаримиздан тинчликпарвар қадриятлар мерос бўлиб келаётган бўлишига қарамасдан, учинчи кучлар томонидан интернетнинг турли веб-сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали тасдиқланмаган маълумотларни бўрттириб кўrsatiш орқали ёшларимиз онгига турли хил салбий фикрларни пайдо қилишга уринишмоқда. Бу эса, вирус сингари тез тарқалиб, жамоат жойларида тартибсизликларининг кичик кўринишлари намоён бўлмоқда[3].

Психологик ёндашувда оммавий тартибсизликлар бевосита оломон феномени билан боғлиқ тарзда тадқиқ этилади, яъни тартибсизликларни амалга оширувчи оломон турлари, юзага келиш мотиви, психологияси, иштирокчилар онгига таъсир қилиш усуслари ва воситалари, оломон хулқ-атворидаги ўзгаришлар ва уни бошқариш билан боғлиқ жараёнлар ўрганилади. Психологлар ёндашувига кўра, оломон – алоҳида ташкил этилмаган, стихияли тарзда пайдо бўлган тартибсиз, англаб олинган умумий мақсадга эга бўлмаган, соф ҳиссиётга берилган одамлар тўдаси[3]. Психологияда оломон фаоллиги ва ҳиссиётга берилганлик даражасига кўра фаол ва пассив турларга ажратилади. Фаол оломон деганда биринчи навбатда зўравонлик, шафқатсизлик, босқинчилик, қўпорувчилик ҳаракатларига мойиллиги бўлган, тажовузкор хулқ-атвор етакчилик қиласидиган одамлар тўдасини тушуниш лозим. Пассив оломон эса, ўзида эмоционал компонентларнинг йўқлиги билан ажralиб туради. Уни ташкил қилувчилар ушбу гурухга тўсатдан, мисол учун, бирон бир ҳодисани томоша қиласман деб, шунчаки қўшилиб қолганлар ёки аниқ мақсад асосида келишилган ҳолда йигилганлар (тўй ҳашамларга, кино, театрга келганлар) ҳам бўлиши мумкин. Пассив оломонга хос индивидларнинг ўзаро жойлашуви шундайки, улар бир-бирларида таъсир қилмайди. Бинобарин бу турдаги оломонни бошқариш осон кечиши тадқиқотчилар томонидан алоҳида кўrsatiб ўтилган.

Бундан ташқари, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, гурухий қонунбузарликлар ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш бўйича 14 та (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар) "Худуд методикаси"ни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш режалаштирилди.

Бунда, мақсадли амалий илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга ошириш доирасида: оммавий тартибсизликлар олдини олиш ва бартараф этиш методикасини ишлаб чиқиш; ушбу методикага асосланган ҳолда, минтақалар криминоген вазияти (норозиликлар иқтисодий, сиёсий, хукуқий, маънавий-маърифий, тиббий, этник, демографик, географик, экологик ва ташкилий омиллари), криминологик хусусиятлари (норозиликлар ҳолати, даражаси, тузилиши, географияси, йўналиши, субъектлар тавсифи, тактикаси), жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектлари фаолияти самарадорлиги (миқдори, жойлашуви, компетенцияси, моддий-техник таъминоти,

тактикаси) ва хулосалар (хулоса, прогноз, таклифлар)ни акс эттирган ҳолда 14 та “худуд методикаси”ни тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш назарда тутилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abdumalikov J., Yusupdjanova G. Оммавий тартибсизликлар келиб чиқиш сабаблари ва унинг бартараф этиш усуллари //Academic research in modern science. – 2022. – Т. 1. – №. 10. – С. 28-33.
2. Қаюмов F.A. Оммавий тартибсизликларни олдини олишда техникаларга қарши портламайдиган түсиқларни ривожлантириш масалалари //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnalı. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 212-217.
3. Дружинин В.Н. “Психология XXI-века”. Москва, 2003, 863 с.
4. Qushboqov S., Tilabov S. Axborot xavfsizligi hamda muhofazasi ta'minlashda huquqbazarlik profilaktikasining roli //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 45-47.
5. Qushboqov S., Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbazarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
6. Кушбоқов Ш., Ҳосилжонов М. Оиласвий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигини малакалашдаги муаммолар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 29-31.
7. Шермухамедов А.А., ўғли Холдаров Ф.Э. Методика расчета интенсивности износа и пробега шин специализированных транспортных средств //research and education. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 231-247.
8. Охунов З., Кушбоқов Ш Т. Т. С. Э. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
9. Вахобжонов Д. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг хамкорлиги ташкилий-ҳуқуқий асослари //Бюллетень педагогов нового Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 12. – С. 117-125.
10. Qushboqov S., Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.
11. Вахобжонов Д. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг фаолияти самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар таҳлили //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 12 Part 2. – С. 142-150.
12. Кушбоқов Ш., Самадов М. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими //Solution of social problems in management and economy. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 95-98.
13. Вахобжонов Д. Профилактика инспекторининг шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар профилактикасида халқаро тажриба ва қонунчилик //Бюллетень студентов нового Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 12. – С. 27-35.

14. Құшбоқов Ш., Самадов М. Ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасина амалға оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар түрлістегі ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.

